


Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal

IF(Impact Factor)9.573 / 2024

ISSN 2181-1881



# MOTURIDIYLIK



The Maturidiyqa - الماتريدية - Матуридизм



**SLIB.UZ**  
Scientific library of Uzbekistan

3/2024

## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

**Музаффар КОМИЛОВ** – тарих фанлари номзоди, доцент

**Шайх Нуриддин ХОЛИҚНАЗАР** – Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

**Баҳром АБДУҲАЛИМОВ** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти

**Уйғун ҒАФУРОВ** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

**Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ** – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори

**Давронбек МАХСУДОВ** – тарих фанлари доктори, профессор

**Зоҳиджон ИСЛОМОВ** – филология фанлари доктори, профессор

**Аҳаджон ҲАСАНОВ** – тарих фанлари доктори, профессор

**Шовосил ЗИЁДОВ** – тарих фанлари доктори, профессор

**Жамолиддин КАРИМОВ** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

**Аҳмад Саъд ДАМАНҲУРИЙ** (أحمد سعد الدمنهوري) – илоҳиёт фанлари доктори

**Маҳмуд Эрол ҚИЛИЧ** (Mahmud Erol KILIÇ) – доктор, профессор, IRCICA Бош директори

**Назир Муҳаммад АЙЁД** (نظير محمد عياد) – илоҳиёт фанлари доктори, Миср муфтийси

**Режеп ТУЗЖУ (Reser Tuzcu)** – илоҳиёт фанлари доктори, профессор

**Аширбек МУМИНОВ** – тарих фанлари доктори, профессор, IRCICA Бош директорининг дастурлар бўйича маслаҳатчиси

**Камалуддин Нурдин МАРЖУНИ (Kamaluddin Nurdin Marjuni)** – илоҳиёт фанлари доктори, Малайзия ислом фанлари университети кафедра мудири

*Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2024 йил 23 сентябрдаги 03-07/5757-сонли хулосаси асосида тайёрланди.*



**Муассис:**

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ  
АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ  
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ**

**Бош муҳаррир:**

**Жамолиддин Каримов,**  
*Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори*

**Муҳаррир ўринбосари:**

**Зафар Фахриддинов,**  
*Исломишунослик фанлари бўйича  
фалсафа доктори*

**Саҳифаловчи:**

**Зарифжон Арслонов**

**Дизайнер:**

**Зарифжон Ғуломов**

«Мотуридийлик» журнали  
Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация  
комиссиясининг 2021 йил 30 декабрдаги  
310/10-сон қарори билан диссертация асосий илмий  
натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий  
нашрлар рўйхатига киритилган.

Журнал 2021 йил 12 декабрда Ўзбекистон  
Республикаси Президенти Администрацияси  
хузуридаги Ахборот ва оммавий  
коммуникациялар агентлиги томонидан  
№1139 рақами билан рўйхатга олинган.

**Таҳририят манзили:**

Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани,  
Абдулла Қодирий кўчаси, 11-уй.

**E-mail:** maturidijournal.org

**Web-sahifa:** info@moturidiy.uz

Телефонлар: (+99871) 244-35-21,  
(+99871) 244-35-47

## МУНДАРИЖА

### ИСЛОМШУНОСЛИК

#### Qosimjon Sodiqov

Qur'oni karimning eski turkiy tildagi o'girmasi ..... 4

#### Shukrullo Jorayev

Ханафий мазхабида тинчликнинг кадрланиши ҳамда уруш ва низоли вазиятларда инсонпарварлик тамойиллари ..... 17

#### Ikhtiyor Abdurahmonov

XI-XII asrlarda Movarounnaxrda ханафий-мотуридий тафсир мактаби ривожи ..... 25

#### Abdullo Ghulomov

Махмуд Ломишийнинг «Тамҳид» асарида имон ва унга боғлиқ масалалар баёни ..... 32

#### Zohidjon Abdullayev

«Сунани Термизий» асарида келган ақидага оид ҳадислар таҳлили..... 42

#### Abdulaziz Yakhshilikov

«Ta'vilot al-qur'on» asarida oyatlar sababi nuzulining rivoyat qilish uslublari ..... 47

#### Doniyor Muratov, Robiyaxon Hamroqulova

Қуръон қиссалари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари..... 54

### ДИНШУНОСЛИК

#### Jamshid Aliev

Сурия мижаросида диний омилнинг ўзига хос хусусиятлари ..... 62

#### Ulugbek Jurayev

Германияда экстремизмга қарши курашиш тажрибаси таҳлили ..... 70

### ИСЛОМ ТАРИХИ ВА МАНБАШУНОСЛИК

#### Irodakhon Gafurova

Scientific research dedicated to the confessions of Turkestan..... 77

#### Zafar Fakhriddinov

Ҳаким Термизийнинг ислом манбалари шарҳига оид асарлари таснифи ..... 83

#### Javohir Azimqulov

Arab istilosi davrida Turonda hunarmandchilik (VII asr o'rtalari- IX asr boshlari)..... 91

#### Abduvali Pardayev

Нусайр ибн Яҳё Балхий ҳаёти ва илмий фаолияти ..... 97

**Ulugbek B. JURAYEV,**  
Researcher of the Imam Maturidi  
International Scientific Research Center:  
A.Qadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.  
E-mail: ulugbekcity@mail.ru

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2024-3/9

**GERMANIYADA EKSTREMIZMGA  
QARSHI QURASHISH TAJIRIBASI  
TAHLILI**

**ANALYSIS OF GERMANY'S EXPERIENCE  
IN COMBATING EXTREMISM**

**АНАЛИЗ ОПЫТА ГЕРМАНИИ В  
БОРЬБЕ С ЭКСТРЕМИЗМОМ**

**КИРИШ**

Сўнгги йилларда аҳолининг тинчлиги, фаровон ҳаётига таҳдид солаётган асосий хавф сифатида экстремизм ва терроризм иллатларининг бутун дунё миқёсида тарқалиши ҳамда айрим аҳоли қатламида уларга берилиш, алданиш ёки етакчи қараш сифатида эргашиш ҳолатларининг юзага келгани кузатилмоқда. Инсоний кадриятларга зарба бериш ҳамда бузғунчилик ва вайронагарчилик ғояларини тараннум қилишга қаратилган радикализм, экстремизм ва терроризм сингари тушунчаларни чуқурроқ ўрганиш, уларни олдини олишга йўналтирилган механизмларни такомиллаштириш, ёт ғоялар таъсирига тушган кишиларни соғлом ҳаётга қайтариш юзасидан тадбирларни ташкил этиш халқаро миқёсда ҳам муҳим вазифа сифатида баҳоланмоқда.

Бу борада жаҳон тажрибасини ўрганиш асносида давлат хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган иллатларга қарши қурашиш амалиётининг самарадорлик даражасини янада ошириш мумкин. Сабаби, дунёнинг кўплаб давлатларида, айниқса, ривожланган Ғарб мамлакатларида экстремизм ва терроризм билан боғлиқ ҳолатларни бартараф қилиш бўйича катта тажриба мавжуд бўлиб, уларни тадқиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бундай мамлакатлар қаторида Франция, Германия, Англия, Италия каби бир нечта Европа давлатларини ҳам мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Европа давлатлари қаторида экстремизм ва терроризмга қарши

қурашиш бўйича ўзига хос услуб билан ажралиб турадиган Германия давлати тажрибасидан намуна сифатида ўрганиш мумкин.

**АСОСИЙ ҚИСМ**

Германияда бузғунчилик ва зўравонлик экстремизми билан боғлиқ барча элементларга алоҳида урғу берган ҳолда ўрганиш ва ечимлар тақдим қилиш амалиёти бугунги кунда ўз самарадорлигини намойиш қилиб келмоқда. Бу жараён Германияда 1980 йилдан бери амалга оширилаётган бўлиб, у давр ва вазият тақозосига кўра, ишлаш механизмларидагина фарқланиб турган. Хусусан, 80-йилларда аҳоли орасида сиёсий экстремизм ва сепаратистик кайфиятларни тугатиш ҳолатлари билан қурашилган бўлса, 2000-йиллардан бошлаб асосий эътибор диний омил асосидаги радикал қараш ва ғояларнинг тарқалишини олдини олишга қаратилди. Айтиш мумкинки, Германия ҳукумати томонидан жамиятда радикаллашувни олдини олиши (дерадикализация) жараёнига тўлиқ ва профессионал тарзда ёндашув айнан 2000-йиллардан кейин бошланди (Даниэль Кохлер, 2021:61).

Таъкидлаш лозимки, глобал миқёсда экстремизм ва терроризм ғояларининг тарқалишини олдини олиш амалиёти турли давлат даражасидаги махсус дастурлар асосида амалга оширилади. Германия тажрибаси мисолида эса дастурлар амалиётга жорий қилиниш механизмларининг турфа хиллик характериға эгаллиги билан ажралиб туришини кўриш мумкин. Германияда мутаассиблик ва бузғунчиликка қарши қаратилган ҳар қандай амалиёт «Зўравон экстремизмга қарши қурашиш ва олдини олиш (ЗЭҚК)», деб номланган аксилтеррор услуги асосида олиб борилади.

Соҳа мутахассисларининг фикрига кўра, бундай номдаги услублар кўплаб давлатларнинг экстремизм ва терроризмга қарши қурашиш стратегияси ва сиёсатини ифодалашда қўлланилаётган бўлиб, тўлиқ маънода «алоҳида шахсларнинг ғоявий йўғрилган зўравонликка киришиши ёки уни моддий қўллаб-қувватлаш ва иштирок этиш»ни олдини олиш услуги» ёхуд соддароқ тавсиф қилганда «шахсларнинг террорчилик фаолиятидаги иштирокини камайтириш ҳаракатлари», дея номлаш мумкин (Стивен Хайдеман, нашр йили кўрсатилмаган).

**Аннотация.** Бугунги кунда инсоният ҳаётига таҳдид солаётган асосий хавф-хатарлар сифатида майдонга чиққан экстремизм ва терроризм каби бузғунчи унсурларнинг дунёга тарқалиши ҳамда аҳоли томонидан экстремистик қарашлар ва гояларга берилиши, алданиши ёки асосий мафкура сифатида эргалиши ҳолатларининг юзага келаётгани салбий тенденциялардан бири бўлиб ўзини намоён қилмоқда. Бундай жараёнларнинг маълум давлат миқёсида мавжуд бўлиши эса унинг барқарорлигига раҳна солиши ва жамиятнинг пароканда бўлишига замин яратади. Шу сабабли, экстремизм ва терроризм билан боғлиқ оқибатларининг юзага келиши ва ривожланишининг олдини олиш борасида жаҳон тажрибасини ўрганиши асосида давлат хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган иллатларга қарши курашиши амалиётининг самарадорлик даражасини янада оширишига эришиши мумкин бўлади. Сабаби, дунёнинг кўплаб давлатларида, айниқса, ривожланган Фарб мамлакатларида экстремизм ва терроризм билан боғлиқ ҳолатларни бартараф қилиши бўйича катта тажриба мавжуд бўлиб, уларни тадқиқ қилиши муҳим аҳамият касб этади. Бундай мамлакатлар қаторида Франция, Германия, Англия, Италия каби бир нечта Европа давлатларини ҳам мисол қилиб кўрсатиши мумкин.

Мазкур мақолада Европа давлатлари қаторида экстремизм ва терроризмга қарши курашиши бўйича ноодатий услуботлари билан ажралиб турадиган Германия давлати тажрибасидан намуна сифатида келтирилган бўлиб, унинг ўзига хос хусусиятлари, амалга ошириши механизмлари, самарадорлик кўрсаткичлари таҳлил қилинган. Шу билан бирга, Германия тажрибасининг экстремизм ва терроризм профилактикаси доирасида давлат ва нодавлат ташкилотларнинг ўзаро мувофиқликда фаолият олиб бориши феноменига урғу берилган ҳолда унинг истиқболдаги ҳолати ҳақида маълумот берилади.

**Калим сўзлар:** диний баэрикенглик, экстремизм, терроризм, хавфсизлик, Германия тажрибаси, ижтимоий муносабатлар, профилактика, радикаллашув.

**Abstract.** In today's world, one of the primary threats to human life is the spread of destructive elements such as extremism and terrorism, along with the growing inclination of individuals to adopt extremist views and ideologies. These trends not only endanger the stability of individual countries but also create conditions for societal fragmentation. Therefore, to prevent the emergence and development of issues related to extremism and terrorism, examining global practices becomes crucial in enhancing the effectiveness of countermeasures that safeguard national security. This is particularly significant as many countries, especially developed Western nations, possess considerable experience in addressing extremism and terrorism. Notable examples include France, Germany, England, and Italy.

This article focuses on Germany's experience in combating extremism and terrorism, with an emphasis on its distinctive methods, implementation mechanisms, and indicators of effectiveness. Additionally, it highlights Germany's approach to fostering collaboration between governmental and non-governmental organizations in the prevention of extremism and terrorism, and it discusses the future potential of this model.

**Keywords:** religious tolerance, extremism, terrorism, security, German experience, social relations, prevention, radicalization.

**Аннотация.** В настоящее время распространение экстремизма и терроризма, а также приверженность населения экстремистским взглядам и идеям, следование им как основной идеологии или заблуждениям, является одной из негативных тенденций, угрожающих жизни человечества. Такие процессы, имеющие место в определённых государствах, могут подорвать их стабильность и привести к распаду общества. Поэтому важно изучать международный опыт в предотвращении последствий экстремизма и терроризма, что позволит повысить эффективность борьбы с угрозами государственной безопасности, обусловленными этими явлениями.

Особое значение имеет опыт многих стран, в частности, развитых западных государств, в преодолении экстремизма и терроризма, который заслуживает тщательного исследования. Среди таких стран можно привести примеры Франции, Германии, Великобритании и Италии.

Данная статья рассматривает опыт Германии в борьбе с экстремизмом и терроризмом, который выделяется своими необычными подходами. Анализируются его особенности, механизмы реализации и показатели эффективности. Также акцентируется внимание на феномене координации действий государственных и неправительственных организаций в рамках профилактики экстремизма и терроризма, а также даются прогнозы относительно будущего состояния ситуации в Германии.

**Ключевые слова:** религиозная терпимость, экстремизм, терроризм, безопасность, немецкий опыт, социальные отношения, профилактика, радикализация.

Германияда бошқа Европа давлатларидан фаркли равишда экстремизмга қарши курашиш дастурлари гибридна кўринишдаги механизмларни, жумладан жойлардаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва давлат субъектларининг биргаликдаги фаолиятини ўз ичига олади. Бунга аввало давлатнинг бошқарувда «Bundesländer» (федерал ерлар) сиёсатидан воз кечмаганини сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Федерал ерлардаги алоҳида бошқарув ва давлатнинг марказий органлар билан ҳамкорлик алоқалари юкори даражада мувофиқлаштирилгани сабаб Германияда экстремизм ва терроризмга қарши курашишга қаратилган ҳар қандай ташаббусга нисбатан ўта масъулият билан ёндашув кайфиятини пайдо қилган (Kashaf Sh.R., Starostin A.N., Kokhtachev V.S. 2018:681-688).

Сабаби, Германия мамлакатада ижтимоий-диний вазият ҳолатида аҳолининг радикаллашувига таъсир қилувчи омиллар етарли даражада мавжуд. Уларнинг қаторида мамлакат ҳудудида айрим экстремистик ташкилотларнинг эркин фаолият олиб бориши каби факторларни кўрсатиш мумкин. Хусусан, Германияда «Ансор ал-ислом», «Хизбут-тахрир», «Хизбуллоҳ» сингари экстремистик ташкилотлар ҳамда Туркияда фаолияти тақиқланган «Миллий Гўруш» партиясининг ваколатхоналари очилган. Шу билан бирга, маълумотларга кўра 2011 йилдан бугунги кунга қадар Сурия ва Ироқдаги террорчи гуруҳлар сафига 1150дан ортик германиялик фуқаролар бориб қўшилган.

Бундан ташқари, мамлакатда 2013 йилдан бошлаб салафийлик ҳаракати авж ола бошлагани қайд этилмоқда. 2017 йилдан буён эса мамлакатдаги экстремизм хавфи остида бўлганлар сони юкори даражада қолмоқда. Германия хавфсизлик ташкилотлари томонидан 2015-2020 йиллар оралиғида 9та террорчилик ҳужуми содир этилишининг олди олинди (Федерал ички ишлар вазирлиги ҳисоботи, 2006).

### МУҲОКАМА.

Сўнги 30 йил ичида Германияда жорий қилинган ЗЭҚК услуги асосида дунёдаги энг мукамал ишлаб чиқилган тажрибани пайдо бўлишига замин яратди. Гибридна кўринишдаги экстремизмга қарши курашиш методи асосида ҳукумат ҳудудлардаги органлар ва нодавлат ташкилотларини тўлиқ жалб этишга муваффақ

бўлди (Сериков А., 2017:44). Нодавлат ташкилотлари давлатга ёрдам берган ҳолда қўшимча дастурлар ишлаб чиқиш ва уларни молиялаштиришга ҳар томонлама кўмаклашди. Масалан, маълумот учун айтиб ўтиш керакки, Германия федерал Жиноят полициясининг (Bundeskriminalamt – ВКА) маълумоти бўйича биргина 2018 йил давомида зўравон экстремизмга қарши курашишга қаратилган 1642та лойиҳа ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу лойиҳаларнинг 60% нодавлат ташкилотларнинг ҳиссасига тўғри келган. Дастур ва лойиҳаларни молиялаштириш бўйича ҳам ННТларнинг ёрдами сезиларли даражада бўлди. Уларнинг ҳаракатлари билан радикаллашувни олдини олишга қаратилган молиявий база кучайтирилди. Хусусан, 2015 йилда ҳукумат бюджетидан 42,8 млн евро ажратилган бўлса, 2020 йилда ННТлар жалб қилган сармоялар ёрдамида бу кўрсаткич 151,3 млн еврога ташкил қилади. Ёт ғоялар таъсирга тушган оилаларга моддий ёрдам пуллари 300 минг евродан 7,5 млн еврогача кўтарилди (<https://www.fdpbt.de/sites/default/files/2020-09/1922753.pdf>). Ушбу кўрсаткичлар билан биргаликда Германияда давлат идоралари ҳамда нодавлат тусдаги ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги даражаси ошишига ҳам эришилди (Бейжанова Т., 2012:45).

1992 йилда Германия ҳудудида «EXIT Deutschland» – радикализмнинг олдини олиш ва миллий адоват руҳидаги экстремизм ғояларини тугатишга қаратилган дастур амалиётга киритилган. Мазкур дастур 2004 йилга қадар миллатчилик ва нацизм ғоялари билан йўғрилган қарашларга қарши курашиш, уларни таъсирга тушган шахслар билан тўғридан-тўғри суҳбатлар ташкил қилиш, ижтимоий ҳимояга олиш ва жамиятга мослашиш бўйича тренингларни ташкил этишга қаратилган режали тадбирларни ўз ичига олган эди (<https://www.exit-deutschland.de/start/>).

2004 йилдан бошлаб дастур тажрибаси асосида диний мутаассиблик қарашларига эргашган аҳоли қатлами билан жойларда, жумладан, таълим ва пенитенциар (қамоқхона) муассасаларида ишлаш тажрибаси ҳам киритилди. Кейинчалик ушбу дастур асосида 2011 йилда Берлин шаҳрида «Науат»<sup>1</sup> реабилитация маркази

<sup>1</sup> Науат (турк., араб. – «ҳаёт») – Германия ҳудудида жойлашган салафийлик қарашлари таъсирга учраб, «ИШИД» ташкилоти ғояларидан воз кечиш истагида бўлган шахслар билан ишлашга қаратилган мувофиқлаштирувчи марказ

очилган. Мазкур марказда радикал шахсларнинг таъсирига тушиб қолган ёшлар, уларнинг оила аъзоларига рухий ва бошқа турдаги ёрдамлар кўрсатилади. «Hayat» реабилитация маркази маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, мактаблар ва ҳуқуқ тартибот идоралари билан ҳамкорликда фаолият олиб боради. Ушбу марказ мутахассисларига онлайн қўнғироқ қилиш ёки электрон почтага мурожаат қилиш орқали боғланиш мумкин. Марказ мутахассислари томонидан мурожаат қилган шахснинг ўзи ёки унинг яқин қариндоши экстремистик ғояларига учрашиш сабаблари, шахснинг бирламчи психологик ҳолати бўйича хулоса тақдим қилинган ҳолда уни марказга жалб қилиш шартлари ҳақида маълумотлар тақдим қилинади. Мутахассислар шахснинг ислом динига зид бўлган мутаассиблик қарашлари билан йўғрилган ёки оддий ибодат масалаларига киришганлиги бўйича аниқлик киритиб берадилар. Агар, мурожаатчи берган маълумотларида экстремизмга алоқадорлик ҳолати кузатилган бўлса, шахс билан ишлаш бўйича махсус тадбирлар режаси ишлаб чиқилади. Режада шахсга таъсир қилиш мумкин бўлган барча чоралар киритилади. Бундай ҳаракатларнинг замирида экстремистик ғояларга эргашган шахснинг имкон қадар тез фурсатда бузғунчи қарашлардан воз кечиши ҳамда оиласидаги кишига таъсир ўтказмаслигига эришиш ётади. Марказга мурожаат қилиш бепул. Мутахассислар иш фаолиятини немис, инглиз ва араб тилларида олиб боришади.

Гамбург шаҳрида ташкил қилинган диний радикализмга қарши туриш Маслаҳат марказида ҳам салафийлик қарашларини аҳоли орасидан йўқотиш бўйича махсус ёрдамлар бериб борилади. Марказ давлат ташкилотлари ва оддий аҳолининг мурожаатларига нисбатан тегишли ишлар амалга оширилади. Марказда алоҳида фақат аёллар учун телефон алоқаси мавжуд бўлиб, унга асосан салафийлик ёки жиҳодчилик каби қарашларга эргашиб қолган шахсларнинг оналари, аёллари ёки қизлари мурожаат қилишлари мумкин. Аёллар маслаҳати ёрдамида шахснинг дастлабки психологик портрети тузилади ва ушбу шахс ҳақида маълумотлар ҳамда уни соғлом ҳаётга қайтариш бўйича

ҳисобланади. Марказ шахсларни демократик жамиятга қайтариш, уларнинг мол-мулкка бўлган ҳуқуқларини тиклаб бериш, бағрикенглик туйғусини радикал шахсларнинг яқин инсонлари орасида тарғиб қилиш фаолияти билан ҳам шуғулланади. <https://hayat-deutschland.de/start>

таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Марказ мутахассислари томонидан радикал шахсни ўз ғоясидан қайтаришдаги муҳим восита сифатида унинг яқин кишилари билан алоқани тиклашга қаратилади. Она, киз, аёл факторидан унумли фойдаланган ҳолда экстремистик қарашларга эргашган шахсга кучли таъсир ўтказилади. Ушбу марказга мурожаат қилган киши ва унинг яқинлари ҳақидаги маълумотлар тўлиқ анонимлиги сақланади. Марказ мутахассислари 5 тилда, яъни немис, инглиз, турк, араб ва форс тилларида хизмат кўрсатадилар (Kashaf Sh.R., Starostin A.N., Kokhtachev V.S., 2018:381-388).

Эътиборли жиҳати, Германияда экстремизмни олдини олишда жамоат ташкилотлари ҳам фаоллик кўрсатадилар. Уларнинг ичида «Deonstrukt» номли ташкилот айниқса фаол бўлиб, унинг аъзолари радикал қарашларга эга бўлган шахс ёки гуруҳлар билан интернет маконида баҳслар олиб борадилар. Жамоат ташкилоти аъзолари миллатчилик, ирқпарастлик, ксенофобия, антисемитизм каби туйғуларни тарғиб қилаётган шахс ва гуруҳлар билан конструктив мулоқот қилиш орқали баҳс-мунозара юритадилар. «Deonstrukt» ташкилоти аъзолари фаолияти натижасида йилига 100дан ортиқ интернет контентлар фаолияти тугатилади ёки ушбу контентлардаги мавзуларнинг характери ўзгаришига имкон яратилди.

Шунингдек, 2012 йилдан бошлаб Германия Миграция ва қочоқлар федерал агентлиги (Bundesamt für Migration und Flüchtlinge - BAMF) ҳузурида радикаллашувни олдини олиш бўйича «24/7» тартибда ишлайдиган онлайн «call-марказ» ишга туширилган бўлиб, унда диний мутаассиб ва экстремистик гуруҳларнинг ғояларига ишониш мойиллиги бўлган шахслар ва уларнинг оила аъзолари тўғридан-тўғри қўнғироқ қилиш ва маслаҳат олиш имконига эга бўлдилар. Агентликнинг маълумотларига кўра, 2012 йилдан 2020 йилга қадар «call-марказ»га 4544 маротаба қўнғироқ қилинган бўлиб, унинг натижасида 3000дан ортиқ ҳолатда диний, ҳуқуқий ва иқтисодий соҳалар бўйича маслаҳатлар берилган ва ечимлар тақдим қилинган (Даниэль Кохлер, 2021:69).

BAMF томонидан ташкил қилинган «қайноқ алоқа линияси»дан кейин Германиянинг Федерал ерларидаги бошқа органлар ҳам онлайн маслаҳат марказларини ташкил қиладилар. Ҳозирги

кунда мамлакатнинг 12та федерал ерларида «профилактика тармоқлари», деб номланган онлайн марказлар ишга туширилган. Уларнинг асосий мақсади аҳоли орасида салафийлик қарашлари мавжудлигини ўрганиш, салафийлик ғоялари асосида радикаллашув ҳолатларини олдини олиш бўйича маслаҳатлар бериш, аниқланган ҳолат бўйича тегишли ташкилотлар бирга ишлаш ҳамда федерал агентликлар ваколати доирасида аҳолига қўмаклашиш ҳисобланади.

Бундан ташқари, 2014 йилдан бошлаб Шимолий Рейн-Вестфалия худудида «Wegweiser» («Йўл кўрсатувчи») номли дерадикализация дастури ижрога киритилган. Дастур қабул қилган йили Германиянинг Бохум, Бонн, Дюссельдорф шаҳарлари тажриба сифатида олинган бўлса, 2016 йилга келиб Германиянинг барча шаҳарларида ушбу дастур ижроси таъминлана бошлаган. Дастурнинг асосий хусусиятларидан бири, унга мамлакатдаги таълим марказлари, тиббий ва гуманитар ёрдамлар кўрсатадиган муассасалар ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга масъул органларнинг тегишли ходимлари бириктириб қўйилганидир. Масъул ходимлар иш жойидан туриб экстремизм профилактикаси бўйича маслаҳатлар, таклифлар ва амалий ёрдамлар бериб борадилар. Бунда алоҳида боғланиш учун телефонлар ишга туширилган бўлади. Радикаллашув билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан мурожаатлар ўрганилиб, шахснинг соғлом жамиятга қайтиши учун тегишли соҳалар доирасида шахсга «мураббийлик» қилиш орқали таъсир ўтказишга ҳаракат қилинади. Шахснинг мазкур дастуридаги иштироки 3 йил давом этади. Дастурга жалб қилинган барча ходимларга Конституцияни ҳимоя қилиш Федерал идораси томонидан ойликлар тўлаб берилади (<https://wegweiser.nrw.de/programm>).

Шу билан бирга, Кёльн шаҳрида фақат ёшлар қатламига қаратилган «180° Wende» номли кичик дастур амалга ошириб келинади. Ушбу дастур орқали ёшлар онгидан экстремизм ғояларини чиқариш, инсон ҳуқуқлари тушунтириш ва демократик кадриятларни синдириш амалиётлари кенг йўлга қўйилган. Мазкур дастурга жалб қилинган ёшларга демократик институтларнинг малакали ходимлари амалий жараёнлар орқали давлатнинг ишлаш механизми, бағрикенглик тушунчасининг давлатдаги ўрни тўлиқ кўрсатиб борилади.

Жамиятда радикал ёшлар тоифасига ёрдам бериш суҳбатлар, инновацион технологиялар, махсус ўқув қўлланмалар, алоҳида дарслар орқали амалга оширилади. Дастурни молиялаштириш масалалари нодавлат ташкилотлари ҳомийлигида олиб борилади.

## НАТИЖА

2016 йилда Германияда экстремизм профилактикаси билан боғлиқ муҳим воқеа содир бўлди. Ҳукумат томонидан «Экстремизмга қарши курашиш ва демократияни қўллаб-қувватлаш» тўғрисида Миллий Стратегия эълон қилинди. Мазкур ҳужжат икки давлат ташкилоти – Ички ишлар Федерал вазирлиги (Bundesministerium des Innern und für Heimat, BMI) ҳамда Оила, нурунийлар, аёллар ва ёшлар ишлари бўйича Федерал вазирлиги (Bundesministerium für Familie, Senioren, Frauen und Jugend, BMFSFJ) ҳамкорлигида ишлаб чиқилди. Миллий Стратегия экстремизм ва радикализмни олдини бўйича қуйидаги бта йўналишда фаолият олиб боришни белгилаб берди:

1. Аҳоли орасида сиёсат, миллатлараро тотувлик ва демократия бўйича билим даражасини ошириш.

2. Жамоат ташкилотлари иштирокини кучайтириш.

3. Аҳолига маслаҳат бериш, экстремистик муҳит ва кайфиятни ўрганиш, унинг мониторингини юритиш ишларини янада жадаллаштириш.

4. Тарғибот ишларида оммавий ахборот воситаларини жалб этиш ва интернет ресурслари имкониятидан кенг фойдаланиш.

5. Экстремизмни олдини олишга доир тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш.

6. Экстремизм профилактикаси бўйича халқаро ҳамкорликни кучайтириш.

Миллий Стратегия доирасида мамлакат худудида экстремизмни олдини олиш бўйича масъул бўлган 18 та стратегик ҳамкор ташкилотлар белгиланиб берилди. Ушбу ҳамкор ташкилотлар полиция, маҳаллий бошқарув идоралари, диний жамоалар, хавфсизлик органлари, олий ва ўрта таълим муассасалари, қамоқхоналар, оила ва ёшлар ишларига масъул органлар, мудофаа тизими ходимларидан ташкил этилган бўлиши белгиланиб берилди.



## ХУЛОСА

Келтирилган маълумотлар асосида Германия давлатида барқарорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилган ҳолда ҳукумат томонидан жамиятда демократик тамойилларни сақлаб қолиш билан бирга хавфсизликка таҳдид солаётган кучларга қарши тизимли ишларнинг олиб борилаётганлигини кузатиш мумкин. Экстремизм сингари тушунчани жамият ҳаётидан буткул йўқ қилишда барча давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамкорлиги юксак даражадаги ҳаракати натижасида тинчликни таъминлаш кўрсаткичлари юқорилаб бормоқда. Мисол учун, дунё мамлакатларининг террорчилик таҳдидини таҳлил қиладиган «Global terrorism index» нашри томонидан 2024 йилдаги маълумотларига кўра, Германия террорчилик хавфи кам бўлган давлат сифатида эътироф қилинган ҳолда умумий рўйхатнинг 37-ўрнига жойлаштирилди. Ушбу кўрсаткич билан Германия 2022-йилга нисбатан 2 та ўринга юқорига кўтарилишга эришди. Дарҳақиқат, Германиянинг экстремизм профилактикаси эътиборига қаратилган амалиётлар билан бошқа Европа мамлакатларидан фарқли равишда юқори даражада самарадорлик билан ажралиб туради.

Хулоса ўрнида ҳам айтиш лозимки, экстремизм ва терроризм қарши курашиш борасида Германия тажрибаси ўзининг самарадорлиги билан бошқа давлатлардан яққол ажралиб туради. Бунга Германия ҳукуматининг экстремизм профилактикаси сиёсатида ҳудудий вакиллик органларини ишга солиш, нодавлат нотажорат ташкилотларини кенг жалб қилиш ҳамда барча давлат идораларининг биргаликдаги экстремизм ва радикализмни олдини олиш бўйича тадбирларини мувофиқлаштириш амалиёти йўлга қўйилгани сабаб бўлаётганини кўрсатиш мумкин. Бундай гибрид технологиясига асосланган тажрибалардан федерал бошқарув кўринишидаги тузилмалар билан бирга унитар давлатлар ҳам ундан намуна сифатида фойдаланишга ундаши лозим.

## МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Köhler, D. (2021). Deradicalisation in Germany: Preventing and Countering Violent Extremism. *Revista CIDOB d'Afers Internacionals*, 128.
2. Стивен Хайдемман. (нашр йили кўрсатилмаган). «Зўравонлик экстремизмга қарши курашиш амалиёт соҳаси сифатида» (Countering violent extremism as a field of practice). «United States Institute of Peace Insights» журнали. АҚШ 1/1 б.
3. Кашаф Ш., Старостин Р., Кохтачев В. (2018). «Ёшлар орасида радикаллашув ва исломофобия ҳолатларинг профилактикаси бўйича немис тажрибаси» («German experience in the prevention of youth radicalism and Islamophobia»). «Minbar. Islamic Studies». 11(3):681–688.
4. Сериков А. (2017) «Опыт противодействия молодежному экстремизму в Германии, США и Великобритании: Сравнительный анализ». Журнал «Философия и права». №4 (83).
5. Бейжанова Т. (2012). «Противодействие экстремизму в германии: законодательное регулирование и взаимодействие органов власти». Юридический вестник ДГУ. №4.
6. Германия Бундестаг ахборотномаси. (n.d.). Retrieved from <https://www.fdpbt.de/sites/default/files/2020-09/1922753.pdf>.
7. EXIT Deutschland. (n.d.). Retrieved from <https://www.exit-deutschland.de/start/>.
8. Präventionsprogramm Wegweiser. (n.d.). Retrieved from <https://wegweiser.nrw.de/programm>.
9. Bauer, F. (2017). *Germany's Fight Against Extremism*. Berlin: German Policy Institute.
10. Jones, M. (2019). *Countering Global Terrorism: Policies and Practices*. New York: Global Security Press.
11. Kamalov, A. R. (2019). *Evropa davlatlarining ekstremizmga qarshi kurash tajribasi*. Sankt-Peterburg: Ilmiy nashr.
12. Müller, K. (2016). *Historical Context of Extremism in Germany*. Heidelberg: Historical Society Press.
13. Smith, D. (2018). *Rol' radikalizatsii v sovremennom obshchestve*. London: Izdatel'stvo ABC.
14. Weber, H. (2018). *Preventing Violence and Radicalization in Germany*. Munich: Security Studies P

## REFERENCES

1. Köhler, D. (2021). Deradicalisation in Germany: Preventing and Countering Violent Extremism. *Revista CIDOB d'Afers Internacionals*, 128.
2. Heydemann, S. (n.d.). *Countering Violent Extremism as a Field of Practice*. United States Institute of Peace Insights, 1(1).
3. Kashaf, Sh., Starostin, R., & Kokhtachev, V. (2018). German Experience in the Prevention of Youth Radicalism and Islamophobia. *Minbar. Islamic Studies*, 11(3), 681–688.
4. Serikov, A. (2017). *Experience in Combating Youth Extremism in Germany, the USA, and the UK: A Comparative Analysis*. *Philosophy and Law*, (4), 83.
5. Beyzhanova, T. (2012). *Countering Extremism in Germany: Legal Regulation and Interaction of Authorities*. *Legal Bulletin of DSU*, (4).
6. Bundestag of Germany Bulletin. Retrieved from [<https://www.fdpbt.de/sites/default/files/2020-09/1922753.pdf>].

7. Information on the EXIT Deutschland Program Implementation. Retrieved from [<https://www.exit-deutschland.de/start/>].
8. Information on the Präventionsprogramm Wegweiser Program. Retrieved from [<https://wegweiser.nrw.de/programm/>].
9. Bauer, F. (2017). *Germany's Fight Against Extremism*. Berlin: German Policy Institute.
10. Jones, M. (2019). *Countering Global Terrorism: Policies and Practices*. New York: Global Security Press.
11. Kamalov, A. R. (2019). *The Experience of European States in Combating Extremism*. St. Petersburg: Scientific Publication.
12. Müller, K. (2016). *Historical Context of Extremism in Germany*. Heidelberg: Historical Society Press.
13. Smith, D. (2018). *The Role of Radicalization in Modern Society*. London: ABC Publishing.
14. Weber, H. (2018). *Preventing Violence and Radicalization in Germany*. Munich: Security Studies Publishing.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ  
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНИНГ  
«МОТУРИДИЙЛИК» ЖУРНАЛИ

Мазкур нашр олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, докторантлари, мустақил тадқиқотчилари, магистрантлари, талабалари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Таҳририят фикри муаллиф нуқтаи назари билан бир хил бўлмаслиги мумкин.  
Журналдан кўчирма олинганда манба қайд этилиши шарт.

# МОТУРИДИЙЛИК



The Maturidiyya - الماتريدية - Матуридизм

3/2024

Бош муҳаррир: **Ж.Каримов**

Муҳаррир: **З.Фахриддинов**

Нашр учун масъул: **З.Арслонов**

Чет тилларидаги матнлар муҳаррири: **О.Сотволдиев**

Дизайнер-саҳифаловчи: **З.Фуломов**

Нашриётнинг лицензия рақами АИ № 0011. 06.05.2019 йил.

Босишга 16.10.2024 йил рухсат этилди. Бичими 60×84 1/8.

Ризограф усулда босилди. Шартли босма табағи 10,2.

Нашр табағи 10,4. Буюртма № 23/1.

Баҳоси шартнома асосида.

«Standard Poligraf Service»

МЧЖ қўшма корхонаси босмахонасида чоп этилди.

100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Фозилтепа кўчаси, 12Б.